



## ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР СПОРТ КИЙИМИНИНГ СИНФЛАНИШИ ВА ЯНГИ АССОРТИМЕНТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

*Атамкулова Гулзира Тожиахмадовна - махсус фан ўқитувчиси,  
Сиддиқова Гуллола Илхомжон қизи - махсус фан ўқитувчиси,  
Мадалиева Юлдуз Юнусжон қизи - шилаб-чиқариши таълим ўқитувчиси  
Наманган шаҳар 2-сонли касб ҳунар мактаби*

**Аннотация:** ушбу мақолада велосипедчилар учун спорт кийимларининг турлари уларнинг синфланиши ва уларнинг функционал кўрсаткичлари, мато турлари, фаслларга мос спорт кийимлари, хақида маълумотлар келтирилган. Велосипедчилар спорт кийимларини бичими ва уларни спортчиларга қулайликларихам ёритиб ўтилган

**Таянч сўзлар:** ассортимент, хом ашё, материал, чўзилувчанлик, толавий таркиб, сунъий тола турлари, гигиеник, эстетикавийлик

**Аннотация:** В данной статье представлена информация о видах спортивной одежды для велосипедистов, их классификации и функциональных показателях, видах тканей, спортивной одежде, подходящей по сезонам. Также рассматривается дизайн велосипедной спортивной одежды и ее удобство для спортсменов.

**Ключевые слова:** ассортимент, сырьё, материал, эластичность, содержание волокон, виды синтетических волокон, гигиена, эстетика

Спорт кийимлари спортчининг танасини турли хил шикастлардан сақлаш билан бирга, унинг спорт соҳасида катта ютуқларга эришиши учун замин тайёрлашдир. Спорт кийимлар синфи ўз навбатида фойдаланиш шароитига қараб кичик синфларга, ёш-жинсига қараб гуруҳларга бўлинади. Спорт кийимларининг асосий мақсади: инсон соғлигини мустаҳкамлаш ва яхшилашдан иборат. Спорт кийимлари эксплуатация жараёнида кийимнинг оптималлиги ва қулайлигини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги вақтдаги спорт кийимлари функционал кўрсаткичлари билан турли-туман турларга бўлинади ва аниқ бир спорт турига мўлжалланган бўлади. Улар характерли бичимга эга бўлиб, инсонни турли шикастлардан ҳимоя қилади.

Умумий спорт машғулотлари билан шуғулланадиган инсонлар спорт кийимларининг асосий функцияси машғулотлар жараёнида қулай ва енгил бўлиши керак.

Спортчилар кийими ёзги ва қишки мавсумга бўлинади (1-расм). Уларга қуйидаги ассортиментлар тўпламлари киради:

- трикотаж спорт шими ва шамолга қарши костюм (ветровка)лар;
- енгил ва иссиқ курткалар;



- ярим комбинизон ва комбинизонлар;
- жемперлар;
- фуфайкалар;
- свитерлар;
- футболка ва шортиклар;
- чўмилиш кийимлари в.х.к.лар киради.



1-расм. Велосипедчилар ёзги кийим тўпламининг кўриниши

Велосипедчиларга асфальт йўл пойгаси учун куйлак (рубашка)лар, футболка, шортик, ветровка в.х.к.лар тавсия этилади. куйлакнинг орт бўлагининг елка қисмида кўзойнак, захира трубалар ва озиқ-овқатлар солиш учун мўлжалланган махсус чўнтак тикилади. Куйлакнинг узун, ўтқазма енги керакли вақтда маҳкамлагич (липучка)лар ва тугмалар ёрдамида қадалиши мумкин.

Шамолдан ҳимояловчи костюм (ветровка) ва веломайкаларнинг орт бўлаги олд бўлакка нисбатан узунроқ (2-расм), велотрико ва велошортикларининг эса олд бўлакка нисбатан орт бўлагининг бел қирқими баландроқ лойиҳаланади.



2-расм. Веломайкаларнинг кўриниши



3-расм. Велошортикнинг кўриниши

Машғулот давомида ишқаланишга чидамлилигини таъминлаш мақсадида велотрико ва велошортикнинг орт бўлак одим қирқимига (3-расм) юпка ва юмшоқ замша матосини кўйиб тикиш тавсия этилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гончаров В.А «Теория интерполирования и приближения функций ГТТИ» 1954 год.
2. Бахвалов В.А Спортивная форма велосипедиста. Велосипедный спорт. Физкультура и спорт. 1967 год.
3. Саидорипова Н. Проектирование трикотажных изделий с учетом свойств высокоэластичных материалов (на примере спортивной одежды) Ташкент-2012 год.
4. Муқимов М.М "Трикотаж технологияси" Т., 2002 йил.